

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **579** Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларига ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислохотлар вазифаларига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг замонавий шакллари ва методлари, илғор педагогика, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, мамлакатимизнинг олий таълим муассасалари ягона корпоратив электрон тармоққа бирлаштирилган, олий таълимнинг ишлаб чиқариш билан алоқаси ривожланмоқда. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим олий таълим муассасалари фаолиятида ўқув-тарбия жараёнини ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишга масъулиятсизлик билан ёндашиш, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда раҳбар кадрлар савияси ва малакаси пастлиги ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди.

Масалан, Наманган давлат университети фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича бир қатор камчиликлар ва муаммолар аниқланди. Таълим сифати, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш даражаси, моддий-техника базасининг аҳволи замонавий университет талабларига жавоб бермайди. Университет раҳбарияти томонидан кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш учун олий таълим муассасасининг лозим даражадаги шарт-шароитларини яратиш ва инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаган.

Университетда илм-фан етарлича ривожланмаяпти, университет битирувчиларининг асосий иш берувчилари — касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар билан самарали ҳамкорлик ўрнатилмаган. Университетда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тизимли ёндашув мавжуд эмас. Университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тилларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш даражаси ўта қониқарсиз.

Наманган давлат университетида минтақа иқтисодиёти учун малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, замонавий фикрлайдиган раҳбар ва

илмий-педагог кадрларни тарбиялаш, ўқув-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш ва унинг сифатини тубдан яхшилаш, университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўқув-тарбия жараёнини ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишда, кадрларни жой-жойига қўйишда йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун Наманган давлат университетининг ректори Й. Раҳимов эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қайд этилсинки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги раҳбарияти томонидан зарур даражадаги эътиборнинг мавжуд эмаслиги Наманган давлат университети фаолиятидаги юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг сабабидир.

2. Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, Дастур қуйидагиларга йўналтирилган:

раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар таркибини мустаҳкамлаш, университетнинг раҳбарлик ва ўқитувчилар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг замонавий таълим ва педагогик технологияларни қўлланиш бўйича малакасини ошириш;

ўқув жараёнида халқаро тажриба асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлланиш воситасида талабаларнинг билимлари даражасини ва уларни ўқитиш сифатини ошириш;

университетнинг илмий салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва кучайтириш, шу жумладан илмий-тадқиқот мавзуларини кенгайтириш, магистрларни ва катта илмий ходимлар-тадқиқотчиларни мақсадли тайёрлашни амалга ошириш;

маънавий-маърифий ва спорт-тарбия ишлари тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, талабаларнинг бўш вақтини самарали ўтказишни ташкил этиш;

университетнинг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, ўқув аудиторияларини, лабораторияларни ўқитишнинг замонавий воситалари, шу жумладан компьютер техникаси билан жиҳозлаш.

3. Раҳбар кадрларни ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказиш, Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини бажариш мониторинги бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (А. Икрамов):

бир ҳафта муддатда — Наманган давлат университети раҳбар кадрларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

ўн кун муддатда — аттестациядан ўтказилиши керак бўлган раҳбар кадрлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби рўйхатини аниқласин, аттестацияни ўтказиш жадвалини, аттестациянинг тахминий саволномасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда — Наманган давлат университети раҳбар кадрларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин, унинг нати-

жалари бўйича уларнинг эгаллаб турган лавозимиغا мувофиқлиги даражасини аниқласин, университетни замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбар ва илмий-педагог кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин;

ҳар чоракда Дастурнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига батафсил ахборот тақдим этган ҳолда Дастур вазифаларининг ўз вақтида бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

уч ой муддатда — етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Наманган давлат университетининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва намунавий ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилишини ва такомиллаштирилишини;

икки ой муддатда — университет факультетлари ва кафедраларининг ўқув-тарбиявий, илмий, ўқув-методик фаолиятини ривожлантириш истиқболли дастури ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини;

ўқув йили мобайнида университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби учун замонавий педагогика, ахборот технологияларини кўлланиш, интернет-ресурслардан фойдаланиш амалий кўникмаларининг профессионал даражасини ошириш, шунингдек хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқув курслари ташкил этилишини таъминласин.

5. Наманган вилояти ҳокимлиги:

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялашни таъминлаш учун университет битирувчиларини минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқ ишга жойлаштиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини, муассасалар ва ташкилотларнинг аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Наманган давлат университетининг таълим ва мутахассисликлари йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан асосланган таклифлар киритсин;

бир ой муддатда — Наманган давлат университети талабаларининг малака амалиётини ўтказиш базаси сифатида жалб этиладиган вилоят муассасалари ва ташкилотлари рўйхатини аниқласин, шунингдек улар ўртасида шартномавий муносабатларнинг ўрнатилиши ва самарали амалга оширилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2014 йил ва кейинги йиллар учун Инвестиция дастурини шакллантиришда унга белгиланган тартибда Наманган давлат университетининг қурилиш-тиклаш ишлари объектлари киритилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тегишли капитал қўйилмалар ажратилишини назарда тутсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда, ушбу қарордан келиб чиқадиган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан зарур чоратадбирлар кўрсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 29 октябрь,  
290-сон

## Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар ДАСТУРИ

| Т/р  | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш муддатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар   |
|--|--|--|--|--|--|
| <b>I. Наманган давлат университетини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, раҳбар ходимларни ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказиш, кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш</b> |  |  |  |  |  |
| 1.   | Наманган давлат университетини (кейинги ўринларда Университет деб аталади) юқори малакали, замонавий талабларга жавоб берадиган раҳбар кадрлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминлаш.   | <p>1. Университетнинг раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг аттестациясини ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш.</p> <p>2. Кадрларни танлаш ҳамда Университет профессор-ўқитувчилар таркибининг бўшайдиган лавозимларини ёш истиқболли мутахассислар ва республика олий таълим муассасалари магистратураларининг чет тилларни ва ахборот-коммуникация технологиялари битирувчилари билан тўлдириш, шунингдек кадрлар захирасини шакллантириш ва унинг таркибини мунтазам равишда янгилаш.</p> <p>3. Университетнинг раҳбар ходимлари учун таълим жараёнини бошқариш муаммолари бўйича ўқув семинарлари ташкил қилиш.</p> | <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2013 йил ноябрь-декабрь</p> <p>Жадвалга асосан</p> |  | <p>Аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ</p> |
| 2.   | Республика ва хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, чет тилларни эгаллаши, уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва методик таъминлаш. | 1. Республиканинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида Университет профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтишининг ҳар йилги аниқ режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.  | ноябрь (ҳар йили)  |  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети, Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар  |

| Т/р | Тадбирлар номи | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш мuddатлари  | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|----------------|--|---|--|---|
|     |                | <p>2. Факультет ва кафедраларнинг илмий кенгашларида профессор-ўқитувчилар таркибининг малака ошириш ва стажировка натижалари бўйича мунтазам равишда ҳисобот-тақдимотлари (презентациялари)ни ўтказиб бориш, илғор тажрибани кенг оммалаштириш.</p> <p>3. Республика марказий олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари, шунингдек хорижий мутахассислар иштирокида мунтазам равишда видеолекциялар ташкил этиш.</p> <p>4. Тошкент ахборот технологиялари университетида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тренерлар тайёрлаш ҳамда уларнинг раҳбарлигида Университет ўқитувчилари учун курслар ўтказилишини таъминлаш.</p> <p>5. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида амалий инглиз тилини ўқитиш бўйича тренерлар тайёрлаш ҳамда университет ўқитувчилари учун икки босқичли ўқув курслари ташкил этиш.</p> <p>6. Профессор-ўқитувчилар ўртасида амалий чет тили, компьютер саводхонлиги ва Интернет тармоғидан фойдаланиш билимлари даражасини аниқлаш бўйича танловлар ўтказиш.</p> <p>7. Халқаро етакчи олий таълим муассасаларида (Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети) ва халқаро шартномалар ва меморандумлар, KOICA, MTCP, ITEC, Erasmus Mundus, Tempus, SIU, ISTIC-UNESCO, DAAD дастурлари доирасида хорижий</p> | <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда, жадвалга асосан</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2013 йил ноябрь — 2014 йил апрель</p> <p>2013 йил ноябрь — 2014 йил апрель</p> <p>2014 йил, июнь</p> <p>2013 — 2015 йиллар</p> | <p>Халқаро грантлар маблағлари</p>                 | <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари университети</p> <p>Наманган давлат университети</p> <p>Наманган давлат университети, шерик ташкилотлар</p> |

| Т/р  | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми   | Бажариш муддатлари  | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар  |
|--|--|---|---|--|---|
|  |  | олий таълим муассасаларида (Буюк Британия, Япония, Сингапур ва Жанубий Корея) Университетнинг 26 нафар профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.  |   |  |   |
| <b>II. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба асосида замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш</b> |  |   |   |  |   |
| 3.   | Таълим жараёнининг сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, республиканинг етакчи ва халқаро олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий тажрибалар ҳамда эришилган ютуқларни ўрганиш асосида ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш. | <p>1. Хорижий ва республикадаги етакчи олий таълим муассасаларида, шу жумладан Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида кадрлар тайёрлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини ўрганиш, ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда тегишли таклифлар тайёрлаш.</p> <p>2. Республиканинг базавий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, амалдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режалари ва дастурларининг мазмунини такомиллаштириш, лаборатория-амалиёт машғулоти учун ажратиладиган соатлар сонини кўпайтириш.</p> <p>3. Республика олий таълим ва илмий муассасаларининг етакчи олимлари, профессорлари ва ўқитувчиларини жалб этган ҳолда доимий равишда лекциялар (видеолекциялар) туркумларини ташкил этиш.</p> | <p>2013 йил ноябрь — 2014 йил июнь</p> <p>2014 йил августдан бошлаб босқичма-босқич</p> <p>Тадбирлар жадвали бўйича</p> |  | <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, халқаро олий таълим муассасалари, Наманган давлат университети</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, базавий олий таълим муассасалари, Наманган давлат университети</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ, Наманган давлат университети</p> |
| 4.   | Мультимедий дастурлари ўқитиладиган компьютер дастурлари воситаларини жорий этиш ҳисобига ўқитиш методлари ва технологияларини такомиллаштириш,  | 1. Университет фанлари бўйича мультимедий дастурлари ўқитиладиган компьютер дастурлари воситаларини қўллаган ҳолда ўқитишнинг замонавий методлари ва технологияларини жорий қи-   | 2014 йил январь   |  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети,   |

| Т/р | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш мuddатлари  | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|--|--|---|--|---|
|     | Ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни таъминлаш.   | <p>лиш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, университетнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича компьютер дастурлари воситалари базасини шакллантириш.</p> <p>2. Барча фанлар бўйича ўқитишнинг интерфаол усулларини (кейс-стади, лойиҳа презентациялари, гуруҳларга бўлиниб команда усулида ишлаш ва ҳ. к.) қўллаган ҳолда амалий машғулотлар ўтказишни методик таъминлаш.</p>   | 2014 йил январь   |  | Тошкент ахборот технологиялари университети   |
| 5.  | Университет кафедраларининг ўқув-тарбиявий, илмий-услубий фаолиятини таълим йўналишлари ва фанларига мувофиқ ташкил этишни такомиллаштириш, ўқув жараёнини тизимли равишда назорат ва мониторинг қилинишини ташкил этиш. | <p>1. Кадрлар тайёрлашнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликларига мувофиқ кафедраларнинг ўқитиладиган фанлари рўйхатини таҳлил қилиш ва мақбуллаштириш, уларни 2014-2015 ўқув йилида жорий этиш.</p> <p>2. Ихтисослаштирилган кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар таркиби малакасининг мувофиқлигини баҳолашни мунтазам равишда ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларини янгилаш, талабалар билим даражасини тест синовидан ўтказиш, уларнинг натижаларини ҳар бир семестр якунлари бўйича Университет кенгашида танқидий кўриб чиқиш.</p> <p>3. Университет ихтисослаштирилган кафедраларининг Ўзбекистон миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг тегишли кафедралари ҳамда республиканинг бошқа етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигини доимий асосда йўлга қўйиш.</p> <p>4. Ўқув машғулотлари устидан тизимли назорат режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шу жумладан талабаларнинг билим даражасини танлов асосида тестдан ўтказиш.</p> | <p>2013 йил</p> <p>доимий равишда, ноябрь</p> <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p> |  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети, Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари университети |



| Т/р | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми   | Бажариш мuddатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|--|---|--|--|---|
| 6.  | Ўқув-методик мажмуаларни такомиллаштириш ва ўқув адабиётлари билан таъминланганликни ошириш.   | <p>1. Тегишли фанлар бўйича ўқув-методик мажмуаларни янада такомиллаштириш бўйича муаллифлар жамоасини шакллантириш ва улар билан ахборот-ресурс марказини таъминлаш.</p> <p>2. Университетнинг ахборот-ресурс марказини базавий олий таълим муассасалари билан биргаликда зарур ўқув адабиётлари билан таъминлашни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>3. Ўқув адабиётлари ва ўқув-методик мажмуаларнинг электрон базасини шакллантириш ва ахборот-ресурс базасидан эркин фойдаланишни таъминлаш.</p>  | <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2014 йил I чорак</p> <p>2014-2015 йиллар</p>   |  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети, базавий олий таълим муассасалари  |
| 7.  | Университетнинг ички корпоратив тармоғи асосида ягона интеграциялашган ахборот муҳитини шакллантириш ҳамда узлуксиз ахборот алмашинуви учун шарт-шароитлар яратиш, ўқув жараёнини аудиовизуал технологияларнинг замонавий воситалари билан таъминлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан машгулотлар ўтказиш жараёнида электрон ўқув материалларидан фойдаланиш. | <p>1. Ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Университетнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва мультимедий дастурлари ўқитиладиган компьютер дастурлари воситаларини кенг жорий қилиш учун шарт-шароитлар (компьютер синфлари, мультимедий воситалари, тармоқ технологиялари ва бошқаларни) яратиш.</p> <p>2. Ягона интеграциялашган ахборот муҳитини шакллантириш, электрон форматда ўқув-услубий, илмий, таълим ресурслари базасини яратиш.</p> <p>3. Ахборот муҳитлари ресурсларидан, шу жумладан Wi-Fi технологияси ёрдамида самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш.</p> | <p>2014 йил сентябрь</p> <p>2014 йил декабрь</p> <p>2014 йил декабрь</p> |  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази, Наманган давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети |
| 8.  | Таълим, илмий муассасалар базасида, шунингдек иқтисодий тармоқлари корхоналарида талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил этиш самардорлигини ошириш.  | <p>1. Талабаларнинг малакавий амалиёт ўташи ташкил этиладиган ташкилотлар ва корхоналар рўйхатини Университет ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг қўшма қарори билан тасдиқлаш.</p> <p>2. Малакавий амалиётни самарали ташкил этиш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш.</p>   | <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2013 йил ноябрь</p>                            |  | Наманган вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети  |

| Т/р | Тадбирлар номи  | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш муддатлари  | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|---|--|---|--|---|
|     |   | <p>3. Доймий шерик бўлган таълим, илмий муассасалар базасида, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ихтисослашган кафедралар филиалларини ташкил этиш.</p> <p>4. Талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил этиш бўйича режа-жадвални ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>  | <p>2013-2014 ўқув йили</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p>                                   |  |   |
| 9.  | Университетнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ўзаро алоқасини такомиллаштириш.                   | <p>1. Университет хузуридаги 2 та академик лицейда кафедралар филиаллари фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>2. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнига Университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибини жалб этиш.</p> <p>3. Университет хузуридаги академик лицейларда ва ҳамкорлик қиладиган касб-ҳунар коллежларида талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш.</p> <p>4. Университет кафедраларининг илмий фаолиятига академик лицейлар ва ҳамкорлик қиладиган касб-ҳунар коллежлари педагогларини жалб этиш. Ўқув-услубий, илмий материалларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.</p> | <p>2014 йил сентябрь</p> <p>2014 йил сентябрь</p> <p>Ўқув жараёни жадвали бўйича</p> <p>Доимо</p> |  | Наманган давлат университети, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази |
| 10. | Ўқув жараёнига етакчи хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва компаниялар мутахассисларини жалб қилиш. | Қисқа муддатли дарс бериш учун Пиза Университети (Италия), Вестминистер университети (Буюк Британия), Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур), Брэдфорд университети (Буюк Британия), Нагоя университети (Япония)дан хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни, шунингдек республиканинг халқаро олий таълим муассасаларидан етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш.  | 2013 — 2015 йиллар  | Халқаро грантлар маблағлари ҳисобига               | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети    |

| Т/р   | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми   | Бажариш мuddатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)                                | Бажариш учун масъуллар  |
|---|--|---|--|---|---|
| 11.   | Университет битирувчиларини иш билан таъминлаш, потенциал иш берувчилар ва минтақанинг иқтисодиёт тармоқлари корхоналари билан корпоратив ҳамкорликни кенгайтириш. | <p>1. Университетнинг потенциал иш берувчилар ва минтақанинг иқтисодиёт тармоқлари корхоналари билан корпоратив ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>2. Университетда иш берувчилар (корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар) билан биргаликда ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказлари, потенциал иш берувчилар ва минтақанинг иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг бевосита иштирокида битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбирлар (Битирувчилар куни, Ютуқлар куни, Ёш мутахассис куни, Бўш ўринлар ярмаркаси) ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>3. Талабаларнинг малакавий амалиётларини келгусида битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлайдиган корхоналарда ўтказишни ташкил этиш, битирув малакавий иш ва магистрлик диссертациялари мавзулари базасини иш берувчиларнинг буюртмалари ёхуд улардаги ишлаб чиқариш-технологик муаммоларни ўрганиш натижалари бўйича таклифлари асосида шакллантириш.</p> <p>4. 2-курсдан бошлаб талабалар ўқув амалиёти машгулотларини тегишли иш берувчи ташкилотлар ва муассасалар базасида ўтказилишини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш.</p> | <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2014 йил апрель-май, ўқув жараёни режасига мувофиқ</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p> |   | Наманган вилояти ҳокимлиги, Наманган давлат университети, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| <b>III. Университетнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, зарур йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, магистрлар ва катта илмий ходимлар-изланувчиларни мақсадли тайёрлаш дастурини амалга ошириш</b> |  |   |  |   |   |
| 12.   | Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига йўналтирилган илмий тадқиқотларни ташкил этиш, республика муассасалари, ташкилотлари ва етакчи хори-                   | 1. Университет базасида илмий-тадқиқот лабораторияларини («Биотехнология», «Физик-кимёвий тадқиқотлар») ташкил этиш, шунингдек етакчи экспертларни жалб қилган ҳолда уларни замонавий   | 2013 — 2015 йиллар   | Халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар маблағлари ва грантлари, Олий ва ўрта | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ташқи иқтисодий                                      |

| Т/р | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми   | Бажариш муддатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)   | Бажариш учун масъуллар   |
|-----|--|---|--|--|--|
|     | жий мамлакатларнинг илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.  | <p>асбоб-ускуналар ва приборлар билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Тегишли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида юқорида санаб ўтилган лабораторияларнинг йўналишлари бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.</p> <p>3. Ўтказиладиган илмий тадқиқотлар асосида республикадаги илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ҳамда етакчи хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари билан ҳамкорликни ташкил этиш.</p> <p>4. Давлат илмий-техника дастурлари, хорижий грантлар, минтақавий корхоналар буюртмалари бўйича хўжалик шартномалари ҳамда уларда ўқитувчиларнинг иштироки даражасини ўртача 2 бараварга кўпайтириш доирасида илмий лойиҳаларни ва тадқиқотларни бажаришга профессор-педагог кадрларни, иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш.</p> | <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб, жадвал асосида</p> <p>2014-2015 йиллар</p> | <p>махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> | <p>алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Наманган давлат университети, етакчи олий таълим муассасалари, тегишли ташкилотлар</p> <p>Наманган давлат университети, тегишли ташкилотлар</p> |
| 13. | Минтақанинг иқтисодий тармоқлари ҳақиқий эҳтиёжларини ўрганиш асосида илмий-тадқиқот ишлари мавзуларини кенгайтириш. | <p>1. «Наманганмаш» ОАЖ, «Нестле» ОАЖ, «Наманганвино» ОАЖ, «Карбонам» МЧЖ ва бошқа корхоналар таклифларини ҳисобга олган ҳолда минтақадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича тадқиқотларни келгусида олиб бориш учун ушбу муаммолар бўйича илмий-тадқиқот мавзуларининг маълумотлар базасини яратиш.</p> <p>2. Етакчи хорижий илмий марказларда ёш олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва стажировка ўташи учун чет эл грантларини жалб этиш.</p>   | <p>2013 йил ноябрь-декабрь</p> <p>ҳар йили</p>                               | <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва халқаро молиявий институтлар маблағлари</p>   | <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, Наманган давлат университети</p>  |

| Т/р  | Тадбирлар номи  | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш мuddатлари  | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)  | Бажариш учун масъуллар   |
|--|---|--|---|---|--|
| 14.  | Университетнинг магистрлари ва катта илмий ходимлари-изланувчиларини мақсадли тайёрлаш дастурини амалга ошириш. | <p>1. Магистратура талабалари ва катта илмий ходимлар-изланувчилар томонидан яқка тартибдаги иш режасига асосан тадқиқот ишларини ўз вақтида бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.</p> <p>2. Магистратура талабалари ва катта илмий ходимлар-изланувчилар учун, таниқли олимларни жалб этган ҳолда, семинарлар ва мақсадли курслар ташкил этиш.</p> <p>3. Ихтисослашган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида магистратура талабаларининг илмий фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>4. Республиканинг етакчи марказий олий таълим муассасаларида — Ўзбекистон миллий университетида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида, шунингдек Фанлар академиясининг соҳа илмий-тадқиқот институтларида 16 нафар магистрлар, 2 нафар катта илмий ходимлар-изланувчилар тайёрлаш. Бу 2016 йилга бориб, ҳозирги вақтда университетда таълим олаётган катта илмий ходимлар-изланувчиларни ҳисобга олган ҳолда, илмий даражалиларни 41 фойздан 45 фойзгача кўпайтириш имконини беради.</p> | <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб жадвал асосида</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2014 — 2016 йиллар</p> | <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети             |
| <b>IV. Маънавий-маърифий ва спорт-тарбиявий ишлар ҳамда талабаларнинг ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш тизими сифатини таъминлаш</b> |   |  |   |   |  |
| 15.  | Маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларнинг шакл ва усулларини янада такомиллаштириш.                           | <p>1. Университет негизда «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари, шакллари, усуллари ва воситалари» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.</p> <p>2. Талабалар барча контингентини қамраб олган ҳолда «Ахборот гуруҳи», «Нотиқлар», «Мунозара» мулоқот клублари ва «Ибн Сино» саломатлик маърифат маскани фаолиятини ташкил этиш.</p>  | <p>2014 йил май</p> <p>2013-2014 ўқув йилида, махсус режа асосида</p>   | <p>4,0 Бюджет маблағи ҳисобига</p> <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига</p>   | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Наманган давлат университети, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими, «Маҳалла» фонди |

| Т/р | Тадбирлар номи  | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш мuddатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари) | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|---|--|--|--|---|
|     |   | <p>3. Талабалар учун «Ватанпарварлик ўлка тарихини ўрганишдан бошланади» (тарихий жойларга), «Аждодлар хотираси ёдимизда» (муқаддас қадам-жоларга), «Ўзбекистон — жаннатмакон диёр» (театр, музейлар ва кўргазмаларга), «Бунёдкорлик йўлида» (мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларга) каби мавзуларда саёҳатлар уюштириш.</p> <p>4. Талабалар ўртасида «Ёш ижодкорлар ижодиди ватанпарварлик талқини» мавзусида ижодий ишлар, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида рефератлар танловларини ўтказиш.</p>   | «Маънавият куни» тадбирлари доирасида (ҳар ойда бир марта) |  |   |
| 16. | «Умумий ва педагогик маданият — жамоада соғлом муҳит гарови» мавзусида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.   | <p>1. Талабалар, ота-оналар, устоз-мураббийлар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда «Маънавият куни», «Очиқ эшиклар куни», «Ота-оналар куни», «Биринчи курс талабаси мактаби» тадбирларини ўтказиш.</p> <p>2. Талабалар ўртасида мунтазам равишда таълим-тарбия жараёнининг даражаси ва сифати ҳақида ижтимоий сўровлар ўтказиш, улар натижалари асосида тадбирлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. «Олий таълим муассасаларида одоб-ахлоқ қоидалари»нинг мазмун-моҳияти ҳақида талабалар ўртасида тушунтириш ишларини амалга ошириш.</p> <p>4. «Ўқув даргоҳимизни маънавият ва маърифат масканига айлантиришда менинг ҳиссам» шiori остида Университет ҳудудида «Тозалик ва ободонлаштириш ойлиги»ни ташкил этиш.</p> | 2013 — 2015 йилларда, махсус режа асосида                  |  | Наманган давлат университети, Наманган вилояти ҳокимлиги, «Маҳалла» фонди   |
| 17. | Жамиятнинг барқарор тараққиётга зид бўлган турли ёт гоялар, мафкуравий ва маънавий таҳдидлар тарқалишининг олдини олишга доир ишлар сифатини ошириш, маънавий-ахлоқий кадриятларни ва мустақил Ўзбекистоннинг ютуқларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш. | <p>1. Талабаларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш тадбирларини ўтказиш.</p> <p>2. «Мафкуравий иммунитет ва гоъвий курашчанлик — жамиятимизнинг барқарор тараққиётга гаровидир» мавзусида ҳар бир академик гуруҳда очик мулоқот ўтказиш.</p>  | 2013 йил ноябрь<br>2013-2014 ўқув йилидан бошлаб           |  | Наманган вилояти ҳокимлиги, Наманган давлат университети (ички ишлар бошқармаси, прокуратура ва суд органлари билан биргаликда) |

| Т/р | Тадбирлар номи  | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш мuddатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)   | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|---|--|--|--|---|
|     |   | <p>3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида университетнинг профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан жамиятимизда эришилаётган ютуқларни ёритишга бағишланган учрашувлар ташкил этиш.</p> <p>4. «Оила — маҳалла — олий таълим муассасаси» мавзусини аҳоли ўртасида тарғибот қилиш учун вилоятнинг 11 та туманида тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>5. Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, таълим олаётган ёшлардан иборат «Ёш посбонлар» гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг 82 та «Маҳалла посбони» тузилмаси билан ҳамкорлик қилиш қўшма режасини ишлаб чиқиш.</p>  | <p>2014 йил май</p> <p>2014 йил январь — сентябрь</p> <p>2013-2014 ўқув йили мобайнида</p>                                     |  | Наманган давлат университети, «Маҳалла» фонди, Республика маънавият тарғибот маркази, «Қамолот» ЁИХ |
| 18. | Жисмоний тарбия ва спорт тарғиботи орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи фалсафасини шакллантириш, университет талаба ёшлари орасидан қизларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш тадбирларини амалга ошириш. | <p>1. Университет талабалари учун инсон саломатлигини асрашга оид миллий қадриятлар ва анъаналарни, миллий спортни акс эттирувчи «Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний тарбия» мавзусида буклетлар чиқариш.</p> <p>2. Машҳур спортчилар, «Талабалар универсиадаси» спорт мусобақалари совриндорлари, спортни ривожлантириш соҳасидаги хизмат кўрсатган арбоблар билан талабалар учрашувини ташкил қилиш.</p> <p>3. Қизлар учун 13 та спорт секцияси-тўғарақларида ишлаш учун малакали аёл тренерларни жалб этиш.</p> <p>4. Талаба-спортчи қизлар ўртасида спорт мусобақалари, марафонлар ва фестиваллар ташкил этиш ва ўтказиш.</p> | <p>2013 йил</p> <p>«Маънавият куни» тадбирлари доира-сида (ҳар ойда бир марта)</p> <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2014 йил март</p> | <p>2,5</p> <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига</p> <p>5,0</p> <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига</p> <p>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига</p> | Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Наманган давлат университети                            |
| 19. | Маънавий-маърифий ишларнинг методик таъминотини мустаҳкамлаш.   | 1. Университетни маънавий-маърифий йўналишли методик материаллар, кўргазмали воситалар ва адабиётлар билан таъминлаш.  | 2013 йил ноябрь  |  | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат   |

| Т/р | Тадбирлар номи  | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш мuddатлари   | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)   | Бажариш учун масъуллар  |
|-----|---|--|--|--|---|
|     |   | 2. Университет радиоузелини ишга тушириш ва уни факультетлар билан ягона тармоққа улаш, Университетнинг веб-сайтини маънавий-маърифий йўналишдаги таҳлилий материаллар билан таъминлаш.  | 2013 йил ноябрь-декабрь  |  | университети, Республика маънавият тарғибот маркази   |
| 20. | Университет «Маънавият ва маърифат» хоналарининг фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда уларни замонавий талабларга мувофиқ жиҳозлаш. | <p>1. «Маънавият ва маърифат» хоналарини Республика маънавият тарғибот маркази томонидан ишлаб чиқилган тавсияномалар асосида жиҳозлаш.</p> <p>2. Хоналарнинг кўргазмалари ва тарғибот воситалари, илмий ва бадиий адабиётлар, CD ва DVD дискларга ёзилган фильмлар билан моддий ва методик таъминотини яхшилаш.</p> <p>3. Хоналарни марказий газета ва журналларга обуна қилиш, улар билан мунтазам таъминлаш, шунингдек ахборот-ресурс маркази томонидан маънавий-маърифий соҳага оид адабиётлар кўргазмасини ўтказиш, уларни ўрганиш мониторингини олиб бориш.</p>  | <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2013 йил ноябрь</p> <p>2013-2014 ўқув йили давомида мунтазам равишда</p> | <p>5,0<br/>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобига</p> <p>2,0<br/>Университетнинг бюджетдан ташқари маблағи</p> <p>3,0<br/>Бюджет маблағлари ҳисобига</p> | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети, Республика маънавият тарғибот маркази |
| 21. | Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.  | <p>1. Университетнинг 6 та ижодий-бадиий, 24 та касбий, 13 та спорт секциялари, клублари моддий-техника базасини мустақамлаш ва уларда талабаларни максимал қамраб олиш, мазкур тадбирлар билан талаба ёшларнинг қамраб олиншини 35 фоиздан 60 фоизгача етказиш.</p> <p>2. Маданий тадбирлар ўтказиш учун Университет мажлислар залини зарур анжомлар билан жиҳозлаш ва таъминлаш.</p> <p>3. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази кўмагида «Фотосуратлар музейи» ташкил этиш, ижодкор талаба ёшлар учун — «Келажак пресс», тил ўрганиш бўйича — «Келажак Лингво» клуби фаолиятини такомиллаштириш.</p> | <p>2013 йил декабрь</p> <p>2013 йил декабрь</p> <p>2013 йил декабрь</p>                            | <p>25,0<br/>ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига</p>   | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети, «Камолот» ЁИХ                         |



| Т/р  | Тадбирлар номи  | Тадбирларни амалга ошириш механизми   | Бажариш муддатлари                              | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)   | Бажариш учун масъуллар   |
|--|---|---|---|--|--|
|  |   | 4. Талаба ёшларнинг интилишлари, изланишлари ва ташаббусларини, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини рўёбга чиқаришда фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг энергиясига, билимларига ва салоҳиятига таянган ҳолда «Камолот» ЁИХ турли ёшлар тадбирларини ўтказиш.<br><br>5. Талабаларнинг ёзги таътиллари даврида фанлардан қўшимча консультациялар ўтказиш, хорижий тилларни ўрганиш, компьютер курслари ташкил қилиш, спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиш.                       | 2013-2014 ўқув йили<br><br>ҳар йили июль-август |  |  |
| 22.  | Талабалар турар жойларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ва самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.                               | 1. Талабалар турар жойларида ахборот-ресурс маркази филиали ва компьютер заллари фаолиятини ташкил этиш, дам олиш хонаси ва маиший марказлар ташкил этиш учун жой ажратиш.<br><br>2. Талабалар турар жойларини тўла қамраб олувчи Wi-Fi алоқа ҳудудини ташкил қилиш.  | 2014 йил февраль<br><br>2014 йил май            | 20,0<br>ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига   | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги                               |
| <b>V. Университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув аудиториялари, лаборатория хоналарини замонавий ўқитиш воситалари, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш</b> |   |   |   |  |  |
| 23.  | Университетнинг ўқув-лаборатория корпусларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш. | 1. Амалда фойдаланиб келинаётган эскирган ўқув лабораториялари ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш.<br><br>2. Университетнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича жами 29 та, шу жумладан, «Физика» бўйича — 9 та, «Кимё» бўйича — 9 та, «Биология» бўйича — 3 та, «География ва экология» бўйича — 3 та ўқув лабораториялари ташкил этиш.<br><br>3. 9 та хорижий тиллар кабинетлари ташкил этиш, уларни замонавий ахборот-коммуникация анжомлари, таълимнинг техник воситалари ва ускуналар билан жиҳозлаш. | 2013 йил<br><br>2014 йил<br><br>2014 йил        | ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро ташкилотларнинг техник кўмаги, грантлар ва ҳомийлар маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, Наманган давлат университети |

| Т/р | Тадбирлар номи   | Тадбирларни амалга ошириш механизми  | Бажариш муддатлари                                | Сарф-харажатлар, млн сўм (молиялаштириш манбалари)   | Бажариш учун маъсуллар  |
|-----|--|--|---|--|---|
|     |  | <p>4. Ўқув-методик ва маънавий-маърифий йўналишдаги электрон маҳсулотлар яратиш учун Ахборот технологиялари марказида 2 та мультимедиа студияларини ташкил этиш.</p> <p>5. Университетнинг компьютер техникаси билан жиҳозланганлик даражасини белгиланган нормативларга (100 нафар талаба ҳисобига 15 та компьютер) етказиш.</p>  | <p>2014-2015 йиллар</p> <p>2013 — 2015 йиллар</p> | <p>75,0</p> <p>ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига</p> <p>600</p> <p>Давлат бюджети маблағлари ҳисобига</p> | <p>Давлат алоқа қўмитаси</p> <p>Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p> |
| 24. | Университетнинг ахборот-ресурс маркази моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.                           | <p>1. Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй манзилида жойлашган 2 қаватли ошхона биносини реконструкция қилиш ва унда Университетнинг замонавий ахборот-ресурс марказини жойлаштириш.</p> <p>2. Наманган шаҳар, Бобуршоҳ кўчаси, 81-уй манзилида жойлашган талабалар турар жойи биноси таркибидаги ёрдамчи бинони реконструкция қилиш ва унда Университетнинг замонавий ахборот-ресурс марказини ва маиший хизмат марказини жойлаштириш.</p> | <p>2014 йил</p> <p>2014 йил</p>                   | <p>Лойиҳа-қидирув ишларига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари</p> <p>Инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмалар</p>  | <p>Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги</p>  |
| 25. | Талабалар турар жойларини реконструкция қилиш ҳамда уларни зарур мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш. | Наманган шаҳар, Бобуршоҳ кўчаси, 81-уй манзилида жойлашган талабалар турар жойининг 3 та биносини реконструкция қилиш ва зарур инвентарлар билан жиҳозлаш.   | 2014 йил  | Инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмалар  | Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги         |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 29 октябрдаги 290-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Наманган давлат университети раҳбар кадрлари ва  
профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш ҳамда  
фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурининг  
бажарилиши мониторингини олиб бориш комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. Икрамов А.И. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси
2. Ходиев Б.Ю. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Комиссия раисининг ўринбосари
3. Болтабоев М.Р. — Вазирлар Маҳкамаси Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
4. Муродов О.Б. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари
5. Алимухамедов Б.Б. — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари
6. Куранбоев К.К. — Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари
7. Исмаилов Б.М. — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори
8. Шерматов Ш.Х. — Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
9. Қўчқоров Ж.А. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари
10. Тохиров Б.Б. — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бошқарма бошлиғи
11. Жалолов Ҳ.С. — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари
12. Пўлатов М.Э. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи
13. Хакимов Х.И. — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети проректори
14. Содиқов Б.О. — Тошкент давлат техника университетининг кадрлар бўлими бошлиғи, Комиссия котиби

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.